

Хонадонга борилдими,
албатта, натижага
эришилади

2-с.

Камбағалликдан бадавлат оилага айланиш омили

Аввалига бироз кўрқув билан иш бошлаганди. Ҳозир
3 сотихли иссиқхонада қулупнайдан юқори даромад оляпти.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
1 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

№8
(2232)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА
КУНДАЛИГИ

Муҳим вазифалар белгилаб олинди



Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси раиси
Қаҳрамон Қуронбоев
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Тараққиёт
дастури(UNDP)нинг
Ўзбекистондаги
доимий вакили Акико
Фужии билан учрашди.

Маълумки, 2024 йил ноябрь ойида ҳар икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Мазкур учрашувда айнан ушбу меморандум асосида 2025 йилда биргаликда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан мулоқот қилинди.

Меморандум доирасида “яшил” энергетикани ривожлантириш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва миграция йўналишида кўшма лойиҳаларни ўтказиш мақсад қилинган.

Учрашувда ҳар икки томон раҳбарлари ўзаро мулоқотларни давом эттиришдан мамнун экани, ҳамкорликда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда давом этишини билдирди.

Ҳар бир маҳалла, кўча, хонадонга қанчадан кўчат экиш, аҳоли хонадонлари, томорқаларини тартибга келтириш буйича аниқ манзилли дастур ишлаб чиқилган.



“ЯШИЛ МАКОН” — УМУММИЛЛИЙ ИШИМИЗГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Бош прокурор ўринбосари Шерзод Тўхтабоев иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликлар, масъул ташкилотлар вакиллари, 9 452 та маҳалла раислари қатнашди.

Йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишлар танқидий таҳлил этилди. Дастур асосида ишларни уюшқоқлик билан ташкил этиш, “маҳалла еттилиги” аъзолари, нурунийлар аҳоли орасида тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиши лозимлиги қайд этилди.

Экилган ҳар бир кўчат мониторинг қилиб борилиши, прокуратура тизими ходимлари томонидан доимий назорат қилиниши таъкидланди. Шу билан бирга, ҳафтанинг ҳар шанбасида барча маҳаллаларда ҳашар тадбирларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.



МУЛОҚОТ

ЭНГ НАМУНАЛИ “ЕТТИЛИК”КА 100 МИЛЛИОН СЎМ БЕРИЛАДИ

Пойтахтимизнинг
Миробод туманидаги
“Барадхўжа”
маҳалласида
ҳудуддаги 39 та
маҳалла раислари ва
ёшлар етакчилари
билан очиқ мулоқот
бўлиб ўтди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев қатнашган учрашувда 2025 йил давомида “маҳалла еттилиги” олдидан турган 4 та устувор йўналиш — “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини маҳаллаларда жорий қилиш, бу борада Мирободни энг намунали туманга айлантириш режалари белгилаб олинди.

Мулоқот давомида жорий йилда бўлиб ўтадиган маҳалла раислари сайловига пухта тайёргарлик кўриш борасида топириқлар берилди. Ўзбекистон, Эътиборлиси,

юқоридаги йўналишлар буйича тумандаги энг намунали “Обод маҳалла” деб топилган “маҳалла еттилиги” вакиллари учун 100 миллион сўм мукофот пули ажратиши эълон қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

ЎҚУВ-ТРЕНИНГ

ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРГА ТЕЗКОР ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ ИЗЛАНДИ

Бугун Ўзбекистон аёллари мамлакатимизда кечаётган ижтимоий ўзгаришларнинг марказида бўлиши билан бирга, ислохотларда фаол иштирок этяпти. Биргина Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизимидаги 9 452 та маҳалла раисининг 1 230 нафари аёл кишидир. Шунингдек, 57 мингдан ортиқ “маҳалла еттилиги” аъзолари таркибиде минглаб хотин-қизлар меҳнат қиялпти.



БУГУНГИ СОНДА:

Ота-оналар
тарбиядаги
тартибни
унутишди...(ми?)

Ёшларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар мени ташвишга солади. Кўпинча болаларнинг кескин ўзгариб қолишига ота-онанинг таъйиқи, кўпол муносабати сабаб бўлади. Ҳар доим айтган нарсасини муҳайё қилавериш ўсмирлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

4-с.

150 мингта
хонадонда
қуёш панели
ўрнатилади

Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи суммаси 2 базавий ҳисоблаш миқдорида, ер солиғи суммаси эса 1 базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмайдиган суммага камайтирилади. Мазкур имтиёзлар фақат бир марта 1 та уй-жой фонди кўнмас мол-мулк объектга нисбатан қўлланилади.

5-с.

Таклиф
этилаётган ойлик
мигрантларга
камлик қиялпти

Аҳолининг юздан ортиғи чет элда ишлайди. Улар билан доим мулоқотда бўлиб, иш ва яшаш шароитларидан хабардор бўляпмиз. Қайтариш чоралари кўриляпти. Лекин ҳоким ёрдамчиси таклиф этаётган 3-4 млн. сўмлик иш ўринлари уларнинг аксариятини қаноатлантирмаяпти.

6-с.

Ўз кучига ишонган
ўзгага таянмайди

Ҳаёт — тажриба ва қийинчиликлардан иборат йўл. Унинг азоб-уқубатларидан ҳикмат излаб, олдинга интилган инсонлар муваффақият чўққисини забт этиши аниқ. Аксинча, кимнингдир кўмаги, ёрдамига таяниб яшаётганлар қийинчиликларни енгилш учун ўзида куч тополмайди.

7-с.

Совуқ кунда
қандай таом
тановвул қилган
маъқул?

Нонда жуда кўп В витамини мавжуд, яъни улар асаб тизимининг яхши ишлаши ва соғлом уйку учун жавобгардир. Цитрус мевалар ва уларнинг шарбатлари салқин маҳсулот бўлса-да, улардан тайёрланган мураббо, қиём ва мармеладлар С витаминига бой иссиқ маҳсулот ҳисобланади.

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Ислом Каримов ҳайкали пойига ГУЛЧАМБАР ҚЎЙДИ.



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Президент томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.

ТАЖРИБА

Хонадонга борилдими, албатта, натижага эришилади

Кейинги йилларда маҳалла раисларининг мақоми оширилиб, ваколати кенгайтирилди. Янги тизим асосида хонадонма-хонадон хатлов ўтказиш, муаммоларни аниқлаш йўлга қўйилди. Муҳими, бу эмас. Асосийси — ана шу муаммо ва камчиликларга ўз вақтида ечим топиш. Агар қайси маҳалла раиси қуруқ ҳисобот учун жадвал тўлдириш билан чекланган бўлса, демак, у бугунги давр руҳини, зиммасидаги масъулиятни англаб етмабди.



Бобур ЖАББОРОВ, Сирдарё туманидаги “Қуёш” маҳалласи раиси.

Чунки “еттилик” келиб-кет-гач, муаммо айтилсаю ҳал бўлмаса, ишонч йўқолади. Одамларда “булар келиб-кетаверади, барибир натижа бўлмайди”, деган фикр уйғонади. Фаолиятимда мана шу жиҳатни эътиборга олиб, натижадорликни бош мезонга айлантирганман. Хар бир мурожаатга тегишли тартибда ечим топишга ҳаракат қиляпман. Чунки аксарият муаммо негизда ишсизлик ётади. Шуни ҳисобга олган ҳолда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга интиляпман.

Мисол учун, аёлларни касбга ўқитиш бўйича жами 40 нафар талабгор рўйхати тузилган бўлса, шундан 18 нафари касб ўрганиш истагини билдирган хотин-қизлар, 20 нафари тадбиркорлик қилиш мақсадида бизнес-лойиҳаларини тақдим этган. Улар касб-хунарга ўқитилиб, тегишли малака ва кўникмага эга бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бў-

йича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ижроси доирасида аниқланган оилаларнинг ҳар бири билан индивидуал суҳбат ўтказиб, ҳолати, имконият ва қизиқиши ўрганилди. Улар томорқа хўжаликларида банд қилинди. Аҳоли ички ва ташқи бозорда харидорғир помидор, бодринг, саримсоқпиез, шивит, кашнич каби резавор экинлардан юқори ҳосил оляпти.

Худудни айлансангиз, ҳамма фойдали меҳнат билан бандлигини кўрасиз. Кимдир иссиқхоначилик, кимдир чорвачилик, яна кимдир парранда ва асаларичилик билан шуғулланади. 70 фоиз хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Қолган қисми томорқасида фойдали маҳсулот етиштиради.

Бакрадзе Бинали 4 сотихли иссиқхонада лимон, помидор, кўкат парваршлаётган бўлса, Исроил Чакалов 6 сотихда етиштирган помидорнинг ички бозордан ортганини хорижга экспорт қиляпти.

Хуллас, маҳаллада даромадсизман ва ишсизман, деб қоғоз кўтариб, идорама-идора югуриб юрган бекорчи инсонни учратмайсиз. Барча интилса, ҳаракат қилса, яхши яшаш мумкинлигини англаб етган.



ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРГА ТЕЗКОР ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ ИЗЛАНДИ

Рустам ЮСУПОВ.

Кувонарлиси, “еттилик” ташкил этилган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари таъйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилиняпти. Ишсиз аёллар иш билан таъминланяпти, касб-хунарга ўқитилиб, даромадли қилиняпти. Агар тадбиркорлик қилишни истаса, имтиёзли кредит, ўқиса, тўлов-шартнома пуллари қоплаб бериляпти.

Этиборлиси, мамлакатда аёллар учун кенг имкониятлар яратиш, гендер зўравонликка барҳам бериш бўйича муайян уюшмаларга эришилди. 2030 йилгача Гендер тенглигига эришиш бўйича стратегия қабул қилиниб, мазкур йўналишга оид қонунлар орқали ҳуқуқий асос мустаҳкамланди. Шундай бўлса-да, жамиятда таъйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳамон учрамоқда. “Маҳалла еттилиги” нафақат маҳаллаларда гендерга оид муаммолар ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг, балки замонавий муаммоларининг барчасига жавоб чораларини кўра олиши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси



Пойтахтимизда “Ўзбекистонда маҳалла фуқаролар йиғинларининг замонавий муаммоларга жавоб чоралари: гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик” мавзусида ўтказилган уч кунлик ўқув-тренинг машғулотида айтиш шунчаларга жавоб изланди.

ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тренингда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган Уюшма ходимларининг гендер зўравонликдан жабрланганларга ижтимоий ва психологик хизматларни кўрсатиш борасидаги билим ва кўникмалари оширилди.

Семинарда халқаро экспертлар “Маҳалла – гендер ижтимоийлашувининг асосий институти”, “Гендер стереотиплари ва гендер дискриминацияси”, “Ислонда хотин-қизлар ҳуқуқлари”, “Диний девиациялар ва радикал тафаккур зўравонлигининг омиллари”, “Маҳаллаларда гендер вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи миллий ва диний урф-одатлар ҳамда анъаналар билан ишлашда юзага келувчи муам-

молар”, “Оилавий зўравонлик ва оилавий низо фарқлари”, “Зўравонлигининг олдин олишининг ҳуқуқий асослари” каби долзарб мавзуларда интерфаол услубда машғулотлар олиб борди.

– Мазкур семинарда маҳаллаларда учраётган муаммоларни бартараф этиш чораларини ўргандик, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Данғара тумани бўлими етакчи мутахассиси Шуккур Мавлонов.

– Туманимиз мисолида айтадиган бўлсам, “еттилик” ташкил этилган, оилавий зўравонлик, ажралишлар, ҳуқуқбузарликлар кескин қамайди. Бундай тренинг машғулотлар “маҳалла еттилиги”нинг билим ва тажрибаларини янада оширади. Шу боис олган билим ва тажрибаларини тумандаги барча йиғин ходимларига етказаман.

Уч кунлик мазкур тадбирнинг асосий қисмида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Жаводхон Иноғомов, UNFPAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси доимий вакили Нигина Абасзаде, Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчихонасининг Ривожланиш бўйича минтақавий директори Сара Купер иштирок этиб, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлигининг олдини олишда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Жамият ва мамлакат раънақи унинг иштирокчилари ҳаракати билан амалга ошади.

Жамоатчилик вазиятни қандай назорат қиляпти?



Бу жараёнда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутати. Шу маънода маҳаллаларда таъсирчан жамоатчилик назорати йўлга қўйилганини, фуқаролар йиғини ҳузурида маҳалла раиси раҳбарлигида Маҳалла назорати гуруҳи ташкил этилганини таъкидлаш ўринли.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Утган вақт давомида бу янгилик ҳудудларда қандай самара берди? Амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар бўйича маълумот олиш учун маҳалла раисларига мурожаат қилдик.

Хонабод шахридаги “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси Азизхон Абдуқаҳҳорованинг қайд этишича, 11 нафар аъзодан иборат Маҳалла назорати гуруҳи фаолият олиб борапти. Гуруҳ аъзолари ижтимоий соҳа

объектларининг ҳолати билан танишиб, яратилган шароитларни назорат қилиб борапти. Мисол учун, ҳудудда жойлашган 2-боғча ўрганилганда, иссиқлик тизимида носозлик аниқланган. Зудлик билан уни бартараф этиш тақлифи ишлаб чиқилиб, қисқа муддатда муаммога ечим топилди.

– Хонадонма-хонадон сабоб бўлаётган муаммолар аниқлаб олинди, – дейди А.Абдуқаҳҳорова. – Масалан, киш мавсумида газ босимининг пасайиб кетганлиги бўйича мутасадди ташки-

лотларга мурожаат юборилди. Натижада босим яхшиланди. Табиий газ билан таъминланмаган аҳолига суялтирилган газ етказиб берилди.

Мингбулоқ туманидаги “Чордона” маҳалласи раиси Аҳрор Ортиқовнинг маълум қилишича, маҳалла назорати гуруҳи иштирокида мунтазам равишда муҳокама ўтказиб бориляпти.

– “Маҳалла еттилиги” ходимлари ва фаоллар иштирокида камбағал оилалар, оғир шароитга тушиб қолган хонадон фарзандлари, ажралиш ёқасига келганлар, жиноятчиликка мойил ёшлар билан ишлаш ҳолати назорат қилиб бориляпти, – дейди А.Ортиқов. – Жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши коррупция, таъмағирлик каби иллатлар-

нинг олдини олишга хизмат қиляпти.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учқўрғон тумани бўлимида яхши тажриба йўлга қўйилган. Маҳалла назорати гуруҳи фаолияти ҳар ой муҳокама қилиниб, энг намуналиси оммалаштириляпти.

– Жамоатчилик назорати орқали ваколатимиздан ташқари бўлган муаммолар ечимига эришиш маҳалла тизимининг халқ орасидаги маъкеуни оширишга хизмат қиляпти, – дейди бўлим бошлиғи Муҳиддин Маҳкамов. – Ислохотлар самарадорлиги, Давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчилик хабардор этилиб, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш ҳамда маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорлик таъминланяпти. Шунингдек, ноконуний қурилишлар бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилди. Мисол учун “Қайқи” маҳалласида энг кўп эътирозга сабаб бўлаётган барча мурожаатларга ечим топилди. Жумладан, инфратузилма, ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Январ ойида “Катта чек”, “Қайқи”, “Маданият”, “Қўғай” ҳамда “Чек” маҳаллалари тажрибаси оммалаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳалла назорати гуруҳи ёрдамида фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятига эга бўлишяпти.

ШАРҲ

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

САЙЁР ҚАБУЛ ТЕЗ КУНДА САМАРА КЕЛТИРАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ташаббуси билан Сўх туманида сайёр қабул ташкил этилди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида 145 нафар фуқаронинг мурожаати кўриб чиқилди.

Мафтуна МАМАСАИДОВА.

Соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бандлик, моддий ёрдам, маҳаллаларни ободонлаштириш, сув таъминоти яхшилаш, ички йўлларни асфальтлаш каби масалаларнинг аксариятига ечим топилди. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида белгиланган режа ижроси таҳлил қилинди.

– Сўх туманида ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш мақсадида Уйчи, Сайхунобод, Зарбдор ва Ҳиждвон туманлари тажрибаларини жорий этиш белгиланган, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳамжон Зиёвуддинов. – Жумладан, тижорат банклари билан биргаликда жами 3 782 та янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, жорий йилда дастурлар доирасида 36,3 миллиард сўм кредит ажратилади.



2025 йилда туманда 13 минг нафар аҳоли доимий, мавсумий ва вақтинчалик иш билан банд қилиниши кўзда тутилган. Инвестиция лойиҳалари, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳасида 15 мингта иш ўринлари яратилиб, 2025 йил якуни билан ишсизлик даражаси 5,7 фоизга, камбағаллик даражаси 5,4 фоизга туширилади.



“Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



“Риштон анъанавий кулолчилиги тарихи музейи фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида”ги ХУКУМАТ ҚАРОРИ қабул қилинди.




“Хотин-қизларнинг ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИдаги бандлигини босқичма-босқич таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Хукумат қарори қабул қилинди.

ТАКЛИФ

ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ ЯРАТГАН ЮТАДИ

Яқинда тахририятга бир фуқаро мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кредит ололмаётганини маълум қилди.



Хоким ёрдамчиларнинг тасдиқлашича, айрим ҳолатларда аризалар рад этилиши кузатиляпти. Бунга кредит тарихи ёмонлиги, банк хатоси ёки бошқа форс-мажор ҳолатлар сабаб бўляпти.

Турақўрғон туманидаги “Туркистон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Исроимжон Аҳмедов фаолиятида бу каби муаммоларга кўп бора дуч келаётганини қайд этди.

— 2024 йил давомида 42 та ариза плат-формага киритилган бўлса, уларнинг 36 та-сига тавсиянома берилган, 3 та ариза банк орқали рад этилган, — дейди И.Аҳмедов. — Мисол учун, ҳудудда яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Мирзаалим Парпиев уй-боғча, сартарошхона, новвойхона очган. Жами 6 та иш ўрни яратган. Фаолиятини янада кен-гайтириш учун 2024 йилда 200 миллион сўм кредит ажратишни сўраб, мурожаат қилди. Қандалат махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаси қўллаб-қувват-ланса, 5 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бироқ кредит тарихи ёмонлиги сабабли унга тавсиянома бериш рад этилди. Ўрганишда аниқланишича, бу фуқаро панде-мия даврида маълум муддат кредит тўлови-ни амалга ошира олмаган. Натижада “қора рўйхат”га кириб қолган.

Таклифим, мана шу каби муаммолар содир бўлмаслиги учун пандемия ёки банкнинг айби билан юзага келган қонунбузилишлар сабабли “қора рўйхат”га тушган миқдорларга имкониёт бериш керак. Кредит тарихи ёмон бўлган талабгорларга жарима чорасини қўллаш, пандемия ёки бошқа форс-мажор ҳолатларда мажбуриятни бажара олмаганлар тарихини қайта кўриб чиқиш лозим.

2025 йилда имтиёзли кредит учун талабгорларни рўйхатга олишда яна бир муаммо кузатиляпти. “Онлайн маҳалла” платформаси ишланмаяпти. Мисол учун, Комилжон Одилов “Хар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича ариза берган. Юқоридаги муаммо сабабли хужжатини расмийлаштира олмаганимиз.

Худудлар кесимида ўрганиганимизда, айна масала аксарият маҳаллаларда юзага келяпти. Жумладан, Кумқўрғон туманидаги “Қорсоқли” маҳалласи ҳоким ёрдамчи-си Юсуф Алмасов тадбиркор Абдуҳамид Аллашев ва Фахриддин Султоновга кредит ажратишда амалий ёрдам бера олмаганлиги.

Бу каби ҳолатларни мутахассислар ўрганиб, ижобий ечим топишларига умид қиламиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МИНБАР

КАМБАҒАЛЛИКДАН БАДАВЛАТ ОИЛАГА АЙЛАНИШ ОМИЛИ

Санжар ШУКУРОВ,
Китоб туманидаги
“Паландара”
маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Фиёсиддин Зайниев ёш бўлса-да, ҳаётнинг кўп машаққатини бошидан кечирди. Ишсизликдан азият чекди. Аммо муаммо ва синовлардан нолимади, чекинмади, таслим бўлмади. Муҳими, бир ерда тўхтаб қолмади. Хонадонма-хонадон хатловда бу йигитда деҳқончиликка иштиёқ юқорилигини аниқладим. Ундаги ҳаракат, хоҳиш ва меҳнатсеварликни кўриб, оила даромадини ошириш бўйича таклиф бердим. 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик.

камбағал бўлган Фиёсиддин бугун бой-бадавлат. Унга кўни-қўшнилар ҳавас қилади.

Туманимиз боғдорчилик, томорқачиликка ихтисослашган. Худудда 4 минг 955 гектар томорқа ер майдони мавжуд. Аҳоли хонадониди 3 минг 18 та иссиқхона қурилган. Шундан 2 минг 565 тасида лимон ва цитрус мева парваришланаяпти. Жумладан, маҳалламизда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилиб, қулупнайчилик кўшимча ўсиш нуқтамизга айланаяпти.

Фиёсиддин Зайниев каби хонадониди иссиқхона ташкил этганлар кўп. Жами 700 дан ортиқ иссиқхона мавжуд. Элликка яқин оила шу фаолият ортидан даромад топяпти. Айни пайтда плёнка остига

кулупнай териб олинса, баҳор ва ёз ойларида маҳсулдорлик 100 килограммга етади. Яқингача асосий “драйвер” — узумчилик, чорвачилик эди. Энди иссиқхона янги ўсиш нуқтамизга айланди. Хар бир хонадон мав-сумда 50-60 миллион сўмгача даромад топа-ди. 2024 йил давомида 23 та хонадонга иссиқ-хона йўналишида 850 миллион сўм имтиёзли кредит ажра-тилди.

Аббос Рустамов ҳовлисидаги 7 сотих-ли 3 та иссиқхонада экзотик меваларнинг 10 дан ортиқ турини етиштиряпти. 20 сотих ерга яна 2 та иссиқ-хона ташкил этган. Асосий даромад — кўчатчиликдан. Йилига 5-6 минг тупдан ортиқ лимон, мандарин, узум-нинг камёб турларини сотади.

Ўтган йилги натижаларимиз ёмон бўлмади. Жами 121 нафар ишсиз



Аввалига бироз қўрқув билан иш бошлаганди. Бари ортда қолди. Ҳозир 3 сотихли иссиқхонада қулупнайнинг турли навларини етиштириб, юқори даромад оляпти. Муҳими, оиланинг барча аъзоларининг бандлиги таъминланиб, камбағалликдан чиқарилди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кеча

15 минг дона қулупнай экилган бўлиб, пешма-пеш бозорга чиқариляпти. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида қатор ораларига лимон кўчати экилган. Октябрь ойидан июль ойигача 3 тон-надан ортиқ ҳосил олиш кўзланган. Қиш кунларида ҳар бир иссиқхонада 20 килограммгача

фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ишсизликдан холи худудга айландик. Жорий йилда 13 нафар камбағал оила рўйхатга олинган бўлса, уларга кредит ва субсидия орқали молиявий кўмак беряпмиз. Йил якунида камбағаллик даражасини камайитиришни режа қилганмиз.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?



ИССИҚХОНА ИШ ЎРНИ ВА ДАРОМАДНИ КЎПАЙТИРДИ

Давлатобод туманидаги “Ижодкор” маҳалласида “еттилик” фаолияти ўрганилди. Аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш борасидаги тажриба оммалаштирилди.

Дарҳақиқат, ҳудудда аҳоли даромадини ошириш мақсадида манзилли ишлар бажарилиб, ижобий нати-жага эришиляпти.

Тадбиркор Собитхон Турсунов ташкил этган 80 сотихли иссиқхона бу борада намуна бўлиб хизмат қиялпти. Иссиқхонада помидор кў-чатлари парвариш қилиниб, барқа-рор даромад манбаи яратилган. Шунингдек, булғор қалампери ва мавсумий гул кўчатлари етишти-риляпти.

Тадбиркорнинг айтишича, у етиштираётган помидор турли ка-салликларга чидамли, кам минерал ўғит талаб қилади.

— Қирқ сотих майдондаги по-мидордан йилига икки марта ҳосил оляпмиз, — дейди С.Турсунов. — Айни пайтда харидорлар ҳар килограм-мини 40-50 минг сўмдан сотиб оляпти. Ернинг қолган қисмида 250 минг туп помидор, 50 минг туп булғор қалампери ва 150 минг туп мавсумий гул кўчатлари парваришланаяпти. Бу иш ортидан 25 нафар доимий, 70 нафардан ортиқ мавсумий ишчи бандлиги таъминланган. Помидор ва булғор қалампери кўчатлари ҳамда ҳосил-дан йилига 300 миллион сўмгача, гул кўчатларидан 100 миллион сўмгача даромад қияпмиз.

“Маҳалла еттилиги” амалга оши-раётган бу каби лойиҳалар нафақат аҳоли даромадини ошириш, балки тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ходимнинг рухсатисиз иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкинми?

Таваккал ЮСУПОВ.
Чиноз тумани:

— Маълумки, ходимнинг ойлик маошидан унинг розилигисиз ушлаб қолиш тақиқланган. Аммо гоҳида ўзимиз хабарсиз тарзда маблағ ушлаб қолинади. Қонунчиликда бунинг мезони борми? Қандай вазиятда ходимнинг рухсатисиз иш ҳақидан ушлаб қолинади?

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги
медиа маркази
раҳбари:

— Бу саволга Ўзбекистон Респуб-ли-каси Меҳнат кодек-сида батафсил жавоб берилган. Унга кўра, суд қарорларини ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш, ваколатли органларнинг қо-нуний талабларини бажариш, иш ҳақи ҳисобига ёки бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганлиги муноса-бати билан ҳўжалик

эҳтиёжларига, хизмат сафарларига берил-ган, сарфланмаган ва ўз вақтида қайтари-маган бўнақни ушлаб қолиш учун ходим-нинг ёзма розили-гисиз иш ҳақидан ушлаб қолиш белги-ланган.

Бундан ташқари, иш берувчига етқа-зилган зарар миқ-дори ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаса, ўрнини қоплаш ҳамда ходимга қўлланган жаримани ундириш учун ёзма розилик талаб этилмайди.

Шунингдек, бу истисно ходим қайси иш йили ҳисобига таътил олган бўлса, ўша йил тугагунига қадар меҳнат шарт-номаси бекор қи-линганди таътилнинг ушлаб берилмаган кунлари учун ҳам татбиқ этилади. Ҳар бир тўлов чоғида иш ҳақидан ушлаб қолинган маблагнинг умумий суммаси ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг 50 фоизи-дан ошиши мумкин эмас.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ.



Фармацевтика соҳасидаги стартап лойиҳаларни молиялаштирадиган венчур жамғармаси ташкил этилади.



Президент қарори билан маъмурий суд иш юритувида ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ институти жорий этилади.

МАНЗАРА

Бугун фаолиятим доирасида йигит-қизларга 30 дан ортиқ ёрдам турини кўрсатиб, уларга қанот бўлишга интиляпман. Баъзан шундай вазиятлар кузатиладики, ёшларга кўмак керак, аммо ваколатимиз доирасида унга ёрдам бера олмаймиз. Бундай вазиятда бир неча маҳалла ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда ҳомийлар топиб, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этишга уринамиз.

Халилилло ЭРҒАШЕВ, Улуг'нор туманидаги "Келажак" маҳалласи ёшлар етакчиси.



ОТА-ОНАЛАР ТАРБИЯДАГИ ТАРТИБНИ УНУТИШДИ... (МИ?)

Маҳалламиздаги битта хонадонда 3 нафар ёш истиқомат қилади. Уларнинг оилабошиши йўқ, онаси эса бетоб. Дастлаб бу оиланинг шароити билан танишганимда, биринчи фарзанд эндигина мактабни битирган, қўлида ҳеч қандай хунари йўқ эди. Ундан кейин битта укаси, яна бир синглиси бўлиб, улар ҳам мактабни бирин-кетин тамомлаш арафасида эди. Ушбу вазиятда фақат учаласидан бирига ёрдам беришга имтиёз бор. Нима қилишни билмай, бошим қотганди. Аммо тез орада бу муаммога ечим топилди.

Ҳамкасбларим билан маслаҳатлашиб, ҳомийлар орқали учала ёшга кўмак беришга эришдик. Оиланинг тиргаги бўлимиш катта фарзандни касб-хунарга ўқитдик. Ҳозир мебелсозлик билан шуғулланиб, рўзгор тебратяпти. Ҳомийлар кўмаги билан битирувчи синглисининг ўқишга тайёрланиши учун 1 йиллик тўғарак пули тўлаб берилди. Қизимиз ишончимизни оқлаб, шу йилнинг ўзида талабалик бахтига эришди. Йигитнинг

“Ота-онам менга ўта яхши гапиришади, аммо менга бундай ғамхўрлик ёқмайди. Мен эркин бўлишни ва ҳаётни кўришни хоҳлайман”

кичик укаси энди 10-синфни тамомлапти. Хоҳишига қараб, уни ҳам касб-хунарга йўналтирамиз. Ишонаманки, уларга ўз вақтида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик катта ҳаётга ташлаётган муҳим қадамлари бўлади.

Ёшларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолатларга келсак, уларнинг феълидаги бундай ўзгаришлар мени ташвишга солади. Кўпинча болаларнинг кескин ўзгариб қолишига ота-онанинг таъйиқи, кўпол муносабати сабаб бўлади, деб ўйлайман. Аммо ажабланарлиси шундаки, ҳар доим айтган нарсасини муҳайё қилавериш ва ортиқча яхши муносабатда бўлиш ҳам ўсмирлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Яқинда бир нафар ўқувчи қизимиз билан боғлиқ ғалати ҳолатга дуч келдим. Ота-онанинг яққаю яғонаси бўлган қиз уйдан қочиб кетган. Катталар унинг нима сабабдан бундай қилганини билишмайди. Уларни тинчлантириб, қизни қидирувга бердик. Кўп ўтмай, уни топдик. Ака сифатида у билан гаплашдим. Қиздан бу ҳаракатининг сабабини сўрасам: “Ота-онам менга ўта яхши гапиришади, аммо менга бундай ғамхўрлик

ёқмайди. Мен эркин бўлишни ва ҳаётни кўришни хоҳлайман”, деб жавоб берди. Ҳозирги юриш-туриши ва ўзбошимчалик қилиб уйдан чиқиб кетиши билан ҳаётида ижобий ўзгариш бўлмаслигини унга тушунтирдим ва нимага қизиқишини сўрадим. У камида иккита тилни ўрганиб, “стюардесса” бўлиш орзусида эканини билдирди. Бунинг учун тил ўрганиши лозимлигини айтдим ва уни тил тўғаригига жалб қилдим. Яқинда уйига бориб ота-онаси билан гаплашганимда яхши ўқийгани ва унинг хулқида ижобий ўзгариш сезишганини айтишди.

Маҳалламизда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган мусобақалар ичида гимнастрада ҳам бор. Гимнастикага яқин бу йўналишда ёшларимиз уч йилдан буён вилоятда биринчилиكنи ҳеч кимга бермай келяпти. Таклифим шундан иборатки, маҳалламизда гимнастрада мажмуасини ташкил этиб, ёшлар истеъдодини қўллаб-қувватласак, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирда оммалашаётган ушбу замонавий спорт тури билан шуғулланиш орқали ёшлар ҳам саломатлигини, ҳам қоматини сақлаб қоларди.

МУШТАРИЙ ФИКРИ

Бачканалик ОРИДАН ЧОПАЁТГАН — ЎЗИМИЗ...



Болангиз интернетдан қандай фойдаланаётганини назорат қилинг! Унга кўпроқ китоб ўқиб беринг, ўзингиз бу борада намуна бўлинг, болаларни мутулаага ошна тuting!

Интернет ривожланган асрда яшаяпмиз, ижтимоий тармоқларда ҳар хил мавзудаги чиқишларга дуч келамиз. Биздан талаб қилинадигани — ана шу контентларни саралаш. Лекин, афсуски, ҳозирги вақтда томошабиннинг, аксарият ёшларнинг кўп қисмида уларни саралай олиш қобилияти йўқ ва муаммонинг долзарблиги ҳам шунда...

Муҳаммад Али РЎЗИБОВЕВ. Бухоро вилояти.

Бугун 3-4 ёшли боладан “Кимга ўхшашни хоҳлайсан?” деб сўрасангиз, “Мубинлоло”га, яна “нимадир вайнер”га деган, жавобни оласиз. Майли, биз ижтимоий тармоқлардаги блогерлар фаолиятига қаршилигимиз йўқ. Лекин нега ҳаёлида кимнидир идеаллаштириш вақти бўлган бир пайтда, ота-она боласининг қўлига телефон тутқазиб, тасаввурини чегаралаб қўйяпти? Нега уларни назорат қилмаяпмиз? Улар бугун инстаграму тик-токлардан нима ўрганаётганини назорат қилмаяпмиз? Ҳар хил бўлар-бўлмас чиқишлар қўладиган қўштирноқ ичидаги “юздуз”ларни, аслида, ўзимиз қўллаб-қувватламаймизми? Мана шундай аянчли окибатларга олиб келадиган чиқишларни қилаётганларга савол билан юзлансак, “Халқ шуни талаб қиялпти, чиқаряпмиз”, деган осон жавоб оласиз. Асл фожиа ҳам шунда аслида: ижодкорман, деган киши томошабинларни ўз ортсидан эргаштириши, ибрат кўрсата олиши керак эмасми?

Бугун бир “вайнер” шкаф ичидан “Олим мани исмим” деб чиқиб турса, эртага бошқаси томдан тушгандек “фалончининг фалончисиман” деса, буни видеога олиб, ижтимоий тармоққа жойласа, биз уларни қўллаб тураверамизми? Биз ўзбек деган миллатнинг да-

“Халқ шуни талаб қиялпти, чиқаряпмиз”, деган осон жавоб оласиз. Асл фожиа ҳам шунда аслида: ижодкорман, деган киши томошабинларни ўз ортсидан эргаштириши, маданий жиҳатдан ибрат кўрсата олиши керак эмасми?

вомчиларимиз, миллатда бундай бачканаликлар бўлаверса, қандай авлод бўлиб шаклланамиз? Наҳотки, ҳеч ким бундайларга нисбатан бирон чора кўрмаса ёки танқид остига олмаса...

“Ҳамма айб блогерларда бўляпти”, деб айта олмаймиз. Чунки бир вақтнинг ўзида иккита каналнинг бирида фойдали, ибратли видео, иккинчисида бачканалик, савиясизлик намойишини жойласак, минг афсуски, иккинчисининг қўришлар сони биринчисидан анча ошиб кетяпти. Демак, аудиторияга ҳам эътирозлар бисёр! Бугун ўз болаларига китоб ўқиб бериш, ажодлари қанчалар буюк инсон бўлгани ҳақидаги маълумотларни етказиш ўрнига, мана шундай савиясиз видеолар томоша қилишига йўл очиб бераётган, боз устига, ўзи биргалишиб кўраётган айрим ота-оналар эртага фарзанди, невараси қандай инсон бўлиши, зурриёдида кимларни тарбиялаб қолдираётгани ҳақида ўйлаб кўрармикан? Албатта, бу ерда гап барча ота-оналар ҳақида кетмаяпти.

Таъкидлаганимиздек, ижтимоий тармоқларга, у ердаги блогерлар фаолиятига қаршилигимиз йўқ. Эътирозимиз — айнан мана шундай савиясизлик, бачканалик ортидан қувиб кетаётган “ўзимизга”!!! Вақт борида хулоса чиқарайлик, меъёрни унутмайлик! Болангиз интернетдан қандай фойдаланаётганини назорат қилинг! Унга кўпроқ китоб ўқиб беринг, ўзингиз бу борада намуна бўлинг, болаларни мутулаага ошна тuting!

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Йўли равоннинг эли фаровон

Деҳқонобод туманининг Оқиртма қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мавжуд 607 та хонадонда қарийб 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Худуд аҳли юртимизда рўй бераётган янгиланишлар тўлқинини ўз қишлоғи мисолида кўраётганидан мамнун.

Қишлоқ йўллари нотекислигидан аҳолининг ҳаракатланиши қийин бўларди. Кўчалар анча вақтдан бери таъмирталаб аҳволда эди. Айни дамда оқиртмаликларнинг жонбозлиги туфайли асосий йўлларни асфальтлаш суръати анча тезлашди. Гап шундаки, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг ўтган йилги 2-мавсуми доирасида қишлоқ асосий катнов йўлининг 2,6 километр қисмига асфальт қопламаси ётқизиш таклифи етарли овоз билан ғолиб чиққан эди. Яқинда ажратилган маблағ эвазига йўлнинг асосий қисмида асфальтлаш ишлари олиб борилди.

— Яшаш учун қулайлик ортаётганидан одамлар жуда мамнун, — дейди йиғин раиси Ҳусниддин Бозоров. — “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлганимиз ҳудуд аҳли ҳамжихатлиги ифодаси, дейиш мумкин. Мана бу ўзгаришлар янги 2025 йил бошида биз учун ажойиб совға бўлди.



Айтиш керакки, қишлоқ аҳли “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида кетма-кет тўрт мавсумдан буён ғолиб бўлиб келяпти. Шу орқали қишлоқда артезиан қудуғи қазилди, сунъий қопламали мини-футбол майдони қурилди, йўлнинг 3 километрига яқин қисми асфальт бўлганди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдулла НОРБОВЕВ. Бандихон тумани:

— Уйимиз 12 сотих ҳовли ва уйдан иборат. Уй катта отамнинг номида бўлиб, собиқ иттифоқ даврида қилинган “домовой” ҳужжати бор. Аммо у киши вафот этган. Масала шундаки, баҳор ойида ҳовлимизнинг чекка қисмида иморат солмоқчимиз. Бу иш ноқонуний бўлмайdimи?

“ҲОВЛИ ЧЕККАСИДА УЙ ҚУРСАК, НОҚОНУНИЙ БЎЛАДИМИ?”



Рустам ХУРРАМОВ, Бандихон тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Ҳозирги ҳолатда бирор бино курсангиз, бу “ўзбошимчалик билан қурилган иморат”, деб топилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 212-моддасига биноан, қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмагандан кейин архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан

иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлир тузишга ҳақли эмас. Шунга кўра, юқоридаги тартибга риоя қилмасдан уй-жой қурмаганингиз учун унга кадастр ҳужжатини ололмайсиз.

Уйни қонуний қуриш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, дастлаб ҳудудий архитектура бўлими орқали қурилишга рухсатнома олинди, шундан сўнг қурилиш қилиниб, унга кадастр ҳужжати шакллантирилади.



Давлат солиқ кўмитаси “ALIBABA CLOUD” компанияси Ўзбекистонда ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганини маълум қилди.



Депутатлар бола туғилганда ОТАЛАРГА ТАБТИЛ БЕРИШ тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.



Қонунчилик палатасида электрон сигареталарни мамлакатга олиб кириш ва уларнинг ҳуомаласини ТАҚИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН қабул қилинди.

Маҳсулот ҳудуднинг ўзида қайта ишланса...

“МАҲАЛ-ЛАБАЙ” ишлаш тизимини ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Айниқса, солиқ ходимларининг “ЕТТИЛИК” таркибига киритилиши фуқароларга ҳам, бизга ҳам самарали бўляпти.



Моҳинур ОМОНОВА, Бўқа туманидаги “Бўстон” ва “Жўрабод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бўстонлик ва жўрабодликлар солиқ масаласида олдингидек туман марказига 30 километр йўл босиб, вақтини, нақдини йўқотмаяпти, аксинча, биз уларнинг хонадонига боряпмиз.

Аввал 5-6 та маҳаллага бириктирилиб, асосан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солигини ундириш билан шуғулланардик. Маҳаллаларга чуқур кириб борилмаганлиги сабабли, аксарият фуқароларнинг 4-5 йил-

лаб солиқ қарздорлиги қолиб кетарди. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир солиқ тўловчи билан манзилли ишляпмиз. Натижада биргина мол-мулк ва ер солиғи тўловларининг ундирилиши 50 фоиздан 95 фоизга ошди.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ҳамда соҳада олиб борилаётган ислохотларни тушунтиряпмиз. Норасий меҳнат фаолиятини юритаётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишлаши таъминланяпти. Натижада аҳолининг

Мол-мулк ва ер солиғи тўловларининг ундирилиши 50 фоиздан 95 фоизга ошди.

солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди. Ўтган йилнинг ўзида 10 та юридик шахс, 12 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 2 та оилавий корхона иш бошлади. Савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони ортди. Бугунги кунда менга бириктирилган маҳалларда 1 004 нафар мол-мулк ва 1 016 нафар ер солиғи тўловчиси бор. 16 та юридик шахс, 8 та фермер хўжалиги, 8 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 70 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юриятпти. Ишсиз фуқароларга ер берилиши натижасида 372 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Ўзини ўзи банд қилган мингдан

ортик фуқароларнинг аксарияти деҳқончилик соҳасида банд. Натижада солиқ тушуми 30 фоизга ошди.

“Еттилик” ташкил этилишининг яна бир қўлайлиги шунда бўлдики, олдингидек маҳалла раислари иштирокида ҳар бир хонадон эшиги тақиллатилиб пул йиғилмаяпти, солиқ тўловчилар уйидан чиқмаган ҳолда “Soliq” мобил иловаси ёрдамида барча тўловларни амалга ошириб, муаммолари масалаларни ҳал қиляпти. Албатта, гуруч қурмасиз бўлмайди, деганларидек, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширмаётганларнинг хонадонига бориб, тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бор. Масалан, ўтган йили жисмоний шахсларнинг биргина тураржой объекти хисобидан “Бўстон” йиғинида 120 млн. “Жўрабод”да 90 млн. сўм миқдорига маҳалла бюджети шаклланди. Мазкур маблағлар “маҳалла еттилиги” аъзоларининг коллегиял қарори асосида мавжуд муаммолари масалаларни ҳал этишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашга, йиғинлар ҳудудини обод этишга сарфланяпти.

Мазкур маҳаллаларда деҳқончилик кенг ривожланган. Бироқ қайта ишлайдиган бирор корхона бўлмагани сабабли етиштирилган маҳсулотларнинг барчаси бошқа ҳудудларга олиб кетилияпти. Мақсадимиз – ҳудуднинг ўзида бирор ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш. Бу бўйича сектор раҳбарига таклифлар киритилган. Агар ушбу масала ижобий ҳал этилса, тадбиркорлар сони ортиб, қўллаб аҳоли доимий даромадга эга бўлади. Ўз-ўзидан маҳалла бюджети кўпаяди. Пировардида, йиғинлардаги қўллаб ижтимоий, иқтисодий муаммолар ҳал этилади.

2 МИНГ 357 ТА ОИЛА КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИЛДИ

Ўтган йили Юқори Чирчиқ туманида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида 2 минг 357 та оилани камбағалликдан чиқаришга эришилган.



Сайхунобод тажрибаси” асосида ҳар бир маҳалладан 5 тадан, жами 265 та кам даромадли хонадонга 2 миллиард сўмлик лойиҳа пакетлари етказиб берилиши натижасида 295 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда 43,6 миллиард сўм кредит ҳисобига 1 минг 707 та микролойиҳа амалга оширилиб, 2 минг 458 та янги иш ўрни яратилди.

Юқори Чирчиқ туманидаги “Саксонота” маҳалласида яшовчи Эржон Абдукаримов оиласи тўрт йилдан буён “Шампиньон” навли қўзиқорин етиштириб келади.

– Бир мавсумда тўрт марта қўзиқорин йиғиб оламиз, – дейди Эржон Абдукаримов. – Шунинг ортидан даромадимиз ортмоқда. Дастлаб, бу ишни бошлаш ва ўрганиш учун 3 минг долларга яқин маблағ сарфладик. Йиллик даромадимиз 100 миллион сўмдан ортди. Муҳими, етиштирган маҳсулотимизга доим харидор топилади.

Мазкур маҳаллада яшовчи Отабек Алижонов бир неча йилдан бери томорқасидаги 5 сотих иссиқхонада қулпнайнинг харидоригар навларини етиштириш билан шуғулланади.

– Шу кунларда қулпнай ҳосилга кирган, ҳар 5-6 кунда йиғиб оламиз, – дейди О.Алижонов. – Ички бозорда ўртача 200 минг сўмдан сотамиз. Бундан ташқари, қулпнай қўчатчилиши билан шуғулланиб, уларни қўллаб деҳқонларга тарқатамиз. Йиллик даромадимиз 50-60 миллион сўмни ташкил этади.

Умуман олганда, туман маҳаллаларида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси тизими йўлга қўйилган. Жорий йилда маҳаллаларда 2 мингта микролойиҳани амалга ошириш учун 50 миллиард сўм кредит маблағи йўналтирилиши кутилмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.

ФИКР

150 мингта хонадонда қуёш панели ўрнатилади



Президент 28 январь куни электр энергетикасини 2025-2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказган йиғилишдан сўнг ушбу соҳага масъуллар 2025 йилда аҳоли хонадонлари, кичик тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий соҳа объектлари энергия истеъмолининг камида 40 фоизи муқобил энергия манбалари – қуёш панеллари, гелиоколлекторлар ўрнатиш ҳисобидан қопланишини айтди.

Мақсадбек ҚУЧҚОРОВ.

Бунинг учун 100 мингта объекта, 150 мингта хонадонда жами 600 МВт. қувватда қуёш панели ўрнатиладиган экан. 400 та йирик истеъмолчиларда энергоаудит ўтказилади. Бу ишларнинг ижросини таъминлаш


учун Республика штаби тузилган. Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) учун бир қатор имтиёзлар бор. Жумладан, юридик шахслар учун умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда умумий тармоққа электр энергиясини реализация қилишдан олинган даромад учун

фойда солиғи қўлланилмайди. Мол-мулк солиғи ва ер солиғидан белгиланган муддатга озод қилинади. Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи суммаси 2 базавий ҳисоблаш миқдоридан, ер солиғи суммаси эса 1 базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмайди, суммага қайтарилади. Мазкур имтиёзлар фақат бир марта 1 та уй-жой фонди кўчмас

мол-мулк объектига нисбатан энергия таъминоти ташкилоти берган маълумотномага асосан берилади ва жисмоний шахс умумий қуввати 1 кВт.дан ортиқ ҚТЭМ қурилмалари ўрнатган тақдирда қўлланилади. Бундан ташқари, қуёш панели ўрнатганлар “Қуёшли хонадон” дастури бўйича субсидия олади. Субсидияни “Солиқ” мобил

иловасининг “Кешбэк ва имтиёзлар” хизматининг “Қуёшли хонадон” бўлимидаги “Қартага пул ўтказиш” ойнаси орқали банк картасига ўтказиб олиш мумкин. 2024 йилда 10 826 нафар жисмоний шахс ушбу дастурдан фойдаланиб, электр тармоқларига ўтказилган қуёш энергияси учун 12 млрд. 182 млн. сўм (12 миллион 182 минг


090 кВт/соат) давлат бюджетидан субсидия олди. 2023 йил 1 апрелдан “Қуёшли хонадон” дастури доирасида хонадонига қуёш жисмоний шахсларга ишлаб чиқарган ва ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт соати учун 1000 сўмдан субсидия ажратиши белгиланган.



Тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-кас-са машинаси ва виртуал кассалардан фойдаланиши ҳамда мижозларга QR-код ва фискал белгилари чек тақдим этишлари шарт.

Бундай чеклар харид тўлов терминал орқали ёки нақд пулда амалга оширилишидан қатъи назар харидорга берилади. Шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов ташкилоти ва (ёки) электрон тижорат платформалари (маркетплейс) орқали электрон фискал чек тақдим қилинади. Бироқ барча тадбиркорлик субъектлари бундай чекларни тақдим этияпти, дея олмаимиз. Шуни билингики, назорат-кас-са техникасини қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, харидорга чек бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизмат кўрсатганлик солиқ ҳуқуқбузарлиги саналади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади. Агар тадбиркорлик субъектлари QR-код ва фискал белгилари чек тақдим этмаса, “Soliq” мобил иловасининг “Солиқ ҳамкор” бўлими орқали шикоят йўллашингиз мумкин.


Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.



Энди олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси МАХСУС ПЛАТФОРМА орқали шакллантирилади.



ИИБ: ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 800 мингдан ортиқ шахс рўйхати шакллантирилди.



Гиёҳвандлик воситаларини ДОРИХОНАЛАР ОРҚАЛИ бериш тартиби белгиланди.


Ёшлар ўртасида ГИЁҲВАНДЛИККА оид жиноят сони ортган.

САБАБ НИМА?

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Таклиф этилаётган ойлик мигрантларга камлик қияпти



ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА, СЎНГГИ 5 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА НАРКОЖИНОЯТЛАР СОНИ 62 ФОИЗГА, НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАДАН ОЛИНГАН ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ МУСОДАРАСИ 8 БАРАВАРГА ОШГАН. ЖУМЛАДАН, СИНТЕТИК ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ МУСОДАРАСИ 270 БАРАВАРГА КЎПАЙГАН.

Рустам ЮСУПОВ.

2019-2023 йилларда гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноят содир этиб ушланган шахслар орасида ёшларнинг улуши 22-25 фоиз атрофида бўлган (2019 йилда 802 нафар – 22,1 фоиз, 2020 йилда 944 нафар – 22,0 фоиз, 2021 йилда 1 071 нафар – 23,0 фоиз, 2022 йилда 1 512 нафар – 24,6 фоиз, 2023 йилда 2 137 нафар – 31,2 фоиз). 2024 йилнинг 8 ойида бу йўналишдаги тадбирлар давомида ушланган 5 417 нафар шахслар орасида ёшлар 1 812 нафарни (33,4 фоиз) ташкил этган. Бу рақамлар ушбу иллатга қарши курашишнинг долзарблиги ошганини кўрсатмоқда.

Аҳоли соғлиги ва миллат генофондига салбий таъсир кўрсатаётган бундай иллатларга қарши курашиш мақсадида Президентнинг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга

200 турдаги синтетик воситаларининг яшрин савдоси оммалашган.



ёшлар орасида наркотик моддаларнинг сунистеъмоли, Ўзбекистонга катта миқдорда наркотикларни олиб кираётган ва тарқатётган гуруҳларни фош этиш, таркибида наркотиклар бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилишга қаратилган қатор махсус комплекс тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳар йили республика бўйлаб кенг қамровли долзарб ойликлар ва тезкор тадбирлар ташкил этил-япти.

– Бундан ташқари, ота-оналар, ўқитувчилар, ёшлар ва ўқувчилар учун махсус тарқатма материаллар ва инфографикалар тайёрланиб, тарғиботларда ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқатилляпти, – дейди ИИБ Тезкор қидирув департаменти ходими, капитан Шокиржон Ҳошимов. – Ҳамкор ташкилотлар ёрдамида “@STOPNARKO_BOT”; “@STOP_KRIMINAL_BOT” телеграм-ботлар орқали аҳолидан маълумотларни тўплаш ва улар асосида тезкорлик билан зарур чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла-ларда ёшлар етакчилари ва профилактика инспекторлари кўнгилли ёшларни жалб

қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш юзасидан 2024-2025 йилларга мўлжалланган миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори тасдиқланиб, бу йўналишдаги самарали ишларни ташкил этиш тизими йўлга қўйилди.

Жумладан, республикада ижтимоий ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса,

этанг ҳолда наркотикларни сотиш дўконлари манзилларини акс эттирувчи “наркогеография”ларни ўчириш ишлари ташкил этилиб, уларни чизган шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилляпти. Шунга қарамайдан, бугунги кунда республикамиз ёшлари орасида бир қанча гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг кенг тарқалгани кузатилмақда. Жумладан, 2019-2023 йиллар ҳамда 2024 йилнинг 8 ойи давомида 657 кг. “анъанавий” гиёҳвандлик воситаларидан марихуана ва гашиш ҳамда “назорат” остидаги дори-дармонлар – “Тропикамид”, “Прегабалин” (“Лирика”, “Регален” ва “Липре”), “Залеплан” (“Селюфен”) кучли таъсир қилувчи препаратлар, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “Трамадол” дори воситалари аниқланиб, қўлга олинди. Ачинарлиси, Ўзбекистонда муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатида қартилган 200 турдаги синтетик воситаларининг яшрин савдоси оммалашган. Биргина ўтган йилнинг саккиз ойи давомида 92 кг. ана шундай синтетик гиёҳвандлик воситалари қўлга олинди.

Шундан келиб чиқиб, олиб борилаётган тизимли ишларни янада жадаллаштириш, гиёҳвандликка қарши курашишни халқ ва давлат, нодавлат ташкилотларнинг “оммавий ҳаракати”га айлантириш бўйича 1 февралдан 1 мартгача “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш комплекс тезкор-профилактик ойлари” ташкил этилади.

Куни кеча ушбу тезкор-профилактик ойлик доирасида Президент Администратсияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги раҳбар ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида тадбирларни манзилли ташкил қилиш ҳамда миллат генофондига салбий таъсир кўрсатаётган иллатга қарши курашишда ота-оналарни ҳам фаол жалб этиш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Ўзимнинг иш таърибам мисолида айтадиган бўлсам, икки йил аввал “Олимлар” маҳалласи ўғрилиқ ва фирибгарлик сабаб “қизил” тоифада эди. Шу боис дастлабки иш фаолиятимда аҳоли билан мулоқотда бўлиб, тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бордик. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишладик. Муаммолари масалалар



турли бузуғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун бор имкониятдан фойдаланяпмиз. Жумладан, футбол ва енгил атлетика тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйдик. Мини футбол стадиони ёшлар ихтиёрида.

Маҳалла туман марказида жойлашгани учун аҳолининг аксарияти давлат ташкилотларида ишлайди, тадбиркорлик қилишди. Айримлари кўшни – Ғафур Ғуллом номидаги



маҳалла фаоллари муҳокамасига қўйилиб, ижобий ҳал этилди. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда олтига кўчага ёритиш чироқлари ўрнатилди. Худуднинг асосий нуқталарига видеокузатув қурилмалари қўйилди.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида икки йилдирки, жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифадамиз. Бироқ бир зум бўлса-да, хушёрликни йўқотганимиз йўқ. Асосий вазифамиз – маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлгани учун ҳар куни йиғин ҳудудда назорат тадбирлари ўтказиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 2-сон касб-хунар мактаби ҳамда 16-умумтаълим мактабида тарғибот учрашувлари ташкил этилган. Ёшларнинг

маҳаллада жойлашган бозорда савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Аҳолининг юздан ортиги чет элда ишлайди. Улар билан доим мулоқотда бўлиб, иш ва яшаш шароитларидан хабардор бўляпмиз. Қайтариш чоралари кўриляпти. Лекин ҳоким ёрдамчиси таклиф этаётган 3-4 млн. сўмлик иш ўринлари уларнинг аксариятини қаноатлантирмайпти. Жорий йилда ҳам жиноятчиликни барвақт аниқлаш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтиряпмиз. Янги тажрибаларни ишга солиб, маҳаллани “яшил” тоифада сақлаб қолишга интиляпмиз. Режаларимиздан яна бири – кўчаларга тунги ёритиш чироқлари қўйиб, замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатишдир. Ана шу масалаларни ҳал этсак, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқоилишти ва хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Эшмуҳаммад САФОВ, Нурота туманидаги “Бўстон” маҳалласи раиси:

— Маҳаллада энг кўп муурожаат а.и.мент масаласида экани сир эмас. Баъзи эркаклар норасмий тарзда кўп пул топса-да, даромадини яширади. Шундай вазиятда а.и.мент о.увчи тараф қимга муурожаат қилиши керак? Тўлов миқдорини кўпайтирса бўладими?



МЕНДА САВОЛ БОР...

АЛИМЕНТ МИҚДОРINI КЎПАЙТИРСА БЎЛАДИМИ?

Абдорбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Дарҳақиқат, айрим эркаклар камроқ тўлов қилиш мақсадида шундай йўл тутаяди. Мисол учун, таниши орқали хусусий фирма, фермер хўжалигида рўйхатдан ўтиб, амалда

катта фойда келтирувчи норасмий иш билан шуғулланади.

Қонунчиликда бу каби қинғирликлар тақиқланган. Хусусан, Оила кодексининг 99-моддасига асосан, вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув

бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан белгиланади. Бу вазиятда ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдоридан

ундирилади. Мазкур кодекснинг 101-моддасида ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан қатъий суммадан белгиланиши кўрсатилган.



Ўзбекистонда мамлакатдан чиқиб кетаётган юк транспортлари учун ЭЛЕКТРОН НАВБАТ тизими йўлга қўйилади.



2024 йилда Ўзбекистонда олдинга йилга нисбатан туғилиш 3,7 фоизга камайиб, 926,4 МИНГТА БОЛА туғилди.



2024 йилда РҲҲХАТГА ОЛИНГАН НИКОҲЛАР Сони 271,8 мингтани ташкил этди, бу 2023 йилга нисбатан 12 мингтага кам.



ЖАРАЁН

ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН ЎЗГАГА ТАЯНМАЙДИ

Ҳаёт — тажриба ва қийинчиликлардан иборат йўл. Унинг азоб-укубатларидан ҳикмат излаб, олдинга интилган инсонлар муваффақият чўққисини забт этиши аниқ. Аксинча, кимнингдир кўмаги, ёрдами-га таяниб яшаётганлар қийинчиликларни енгиш учун ўзида куч тополмайди.

Барно ЧОРИЕВА, Ангор туманидаги “Баҳор” ва “Илғор” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Борган сари муаммолар мураккаблашиб бораверади. Демак, ҳаётимизнинг қанчалик бахтга тўла-тўқис бўлиши ўзимизга боғлиқ. Маҳалладошимиз Гулҳол Равшанованинг босиб ўтган ҳаёт йўлини кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Ер билан тиллашиб, деҳқончилик қилиб келаётган Гулҳол опа меҳнати ортидан даромад топиб, оиласи билан бирга фаровон турмуш кечирмоқда. Бундан ташқари, маҳалланинг барча тadbирларида жуда фаол иштирок этади. Оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш масалаларида доимий маслаҳатгўйимиз.

2024 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган 96 нафар хотин-қиздан 77 нафари ишсизлик тоифасига мансуб эди. Бугунга келиб уларнинг ҳаммаси ўзини ўзи банд қилган. 11 нафарига имтиёзли кредит ажратилган бўлса, 3 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Бир аёл пахта тозалаш цехи очди. Қолганлари томорқасида иссиқхона ташкил этиб, мумай даромад топишни бошлаган.

Матлуба Ҳақбердиева гарчи 2-гурӯх ногирони бўлса-да, тинимсиз изланишда. Аввалига ҳовлисидаги 15 сотихли томорқага қарам ва помидор экиб юрган эди. Эндиликда маҳалла тавсияси билан 5 миллион сўм кредит олиб, автомобиль ювиш шохобчаси очди. Ҳозир 2 нафар ўғли ишни иштиёқ билан юритиб келмоқда. Шу бизнес ортидан янги иморат кўтаришди. Яшаш шароити аввалгидан анча яхшиланди.

Тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, агар оиланинг доимий қиладиган юмуши бўлса, хонадонда тўқин-сочинлик ва хотиржамлик ҳукм суради. Келишмовчилик ва низоларга ўрин қолмайди.

Лекин ҳаёт турли синовлардан иборат. Бунга турфа тақдир эгаларини кўриб гувоҳ бўляпмиз. Ўтган йили фарзандсизлик сабаб 2 та оила ажралишга мажбур бўлди. 2 та нотинч оилани “маҳалла еттилиги” ходимлари билан ҳамкорликда яраштиришга эришдик.

Маҳалламиздаги аёлларнинг ҳаммаси ҳурматимизни жойига қўйишди. Ҳеч сўзимизни ерда қолдиришмаган. Агар қайсидир хонадонда мижроҳли вазият юзага келганидан хабар топиб борадиган бўлсак, уларни муроасага келтириш учун 10-15 дақиқа вақт кифоя қилади. Дарров бир-биридан узр сўраб, хатосини англаб етишади. Тўғри, айрим ҳолатларда турмушга чиқмаган ёки ажрашиб қайтиб келган қизлар ота уйидан улуш сўраб мурожаат қилиши мумкин. Бундай вазиятларда бошқа мутахассисларнинг ҳам аралашуви талаб қилингани боис иш узокроқ муддатга чўзилади.

2025 йилдан қўшимча равишда “Илғор” маҳалласида ҳам иш бошладим. Бу масъулият юки янада ошди, дегани. Энди аввалгидан кўра кўпроқ ишлашимиз, халққа янада яқинроқ бўлишимиз даркор. Улар билан қанчалик бир-биримизни яхши тушунасак, муаммоларни бартараф этиш ҳам шунча осон кечади.

“БАРЧА БАХТ ТҲҲҲСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛСА...”

Ижтимоий ҳимоя соҳасида иш бошлаганимга 10 йилдан ошди. Кўпинча бугунги кунни ўтган давр билан солиштирсам, тизимда оламшумул ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламан.



Лизахон ЭГАМБЕРГЕНОВА, Мўйноқ туманидаги “Жайхун” маҳалласи ижтимоий ходими.

Йиллар давомида уйдан кўчага чиқолмай, одамларга аралаша олмай, бир жойда ўтириб қолган ногиронлиги бўлган фуқаролар кўрсатилаётган хизмат ва ёрдамлар самараси ўлароқ жамиятнинг фаол аъзосига айланоқда.

Маҳалламизда 3 минг 100 нафар аҳоли истиқомат қилса, шундан 107 нафарини имконияти чекланган кишилар ташкил этади. Хар куни шу каби эҳтиёжмандлиги бўлган оилаларнинг 5-6 тасига қиришга ҳаракат қиламан. Ўрганишларимиз самараси ўлароқ, ногиронлиги бўлган фуқароларга 3 та арава, 20 донна ҳасса, 2 та кўзи ожизлар ҳассаси, 10 донна эшитиш мос-

“

АҲОЛИ ОРАСИДА БОҚИ-МАНДАЛИК ҚАЙФИЯТИГА БЕРИЛГАНЛАРНИ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШГА, ОЧИЛМАГАН ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРМОҚЧИМИЗ.

ламаси тақдим этилди. Бундан ташқари, 10 нафар фуқаронинг даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 700 минг сўмдан 1 миллион 500 минг сўмгача моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу кунгача хонадонларга кириб, аҳолининг мурожаатлари асосида 35 та кейс очилди. Хусусан, нафақа ёшидаги Гулсара Давлатёрованинг ҳолидан хабар олгани борганимизда, унинг 2-гурӯх ногирони ҳамда ёлғиз яшаётгани маълум бўлди. Бир нафар қизи Нукусга турмушга чиқиб кетган. Ака-укалари ҳам бошқа хуудда истиқомат қилади. Шу бос аёлга ёрдамлашиш мақсадида ижтимоий ходим ассистенти бириктирилди. У ҳафтада икки кун икки соатдан фуқаронинг уйига бориб, керакли юмушларини бажаришда кўмаклашиб келмоқда. Шу билан бирга, даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Мунтазам равишда бепул дори-дармонлар билан таъминлаб келин-

моқда. Коммунал тўловларини амалга оширишда имтиёзлар берилди. Саломатлигини тиклаши учун сихатгоҳда даволаниб чиқди. Уйи эскириб қолгани сабабли кунлар исигач, уни таъмирлаш ишларида ҳам амалий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз. Гулсара опа кўрсатилган бу хизматлардан жуда миннатдор. Доим эшигидан кириб борар эканмиз, хурсанд бўлиб қарши олади.

Маҳалламиздаги 24 нафар вояга етмаган болага яқин қариндошлари васий сифатида бириктирилган. Масалан, айни вақтда 11-синфда ўқийётган қиз бундан бир неча йил аввал отасидан айрилади. Кейин онаси иккинчи марта турмушга чиқади. Бу оиласидан яна бир қиз фарзанд кўради. Лекин соғлиғидаги муаммолар туфайли ҳаётдан эрта кўз юмади.

Бу вазиятга тўғри ечим топиш мақсадида қизга ўғай отасини расмий вакил сифатида бириктирдик. Айни вақтда оила ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. Болаларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришга ҳаракат қиламиз. Иккинсининг ҳам ўқишга бўлган иштиёқи баланд. Қўшимча дарсларга қатнаб, билим ва салоҳиятини оширишга интиляпти.

2025 йилда жуда катта мақсадларни амалга оширишни ният қилганимиз. Маҳалламиздаги 108 та кам таъминланган оила билан тизимли равишда ишлаб, меҳнатга лаёқатли бўлганларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Аҳоли орасида боқимандалик қайфиятига берилганларни ўз устида ишлашга, очилмаган қобилиятларини намоён этишга муносиб шароит яратиб бермоқчимиз. Гапнинг индалосини айтганда, ҳамма бахтли яшаса дейман...

Оила оғир вазиятдан чиқарилди



ТАҚДИРЛАР

ГУЛЧЕХРА ҚУДРАТОВА ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ “БЕШРАБОТ” МАҲАЛЛАСИДА ТУРМУШ УРТОҒИ ВА ФАРЗАНДИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.



Оғир ижтимоий вазиятдаги оила муаммолари маҳалладаги ижтимоий ходим назаридан четда қолмади.

Ўрганишлар натижасига асосланиб, индивидуал хизматлар режаси ишлаб чиқилди. Унга биноан, “маҳалла еттилиги” оила вакилларига қатор ижтимоий ёрдамлар кўрсатди. Хусусан, оилага 7 бош қўй берилди. Хонадони тўлиқ газлаштирилди. Маҳалладаги электр симёғоч ярқисиз ҳолга келгани сабаб янгисига алмаштирилди. Бундан ташқари, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Бухоро вилояти бўйича 10 минг 862 та оила

реестрга кирган бўлиб, уларнинг 7 минг 907 тасига индивидуал режа тузилган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

ЭЪЛОН!

Светличникова Вера Борисовна номига 1993 йил 6 августда 04-01/19528 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧИШИМ МУМКИНМИ?”

Феруза Тўраева. Термиз шаҳри:

— Хонадонимда оилавий болалар уйи очмоқчиман. Айтингчи, уни қимлар ташкил этиши мумкин?

Миржалол ЧОРШАНБИЕВ, Термиз шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъул ходими:

— “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони асосан, оилавий болалар уйлари ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат тўлиқ оила бўлиши талаби бекор қилинди. 30 ёшга тўлган фуқароларга оилавий болалар уйини ташкил этишга рухсат этилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар оилага тарбияга (патронат) фақат уларнинг қарин-

дошларига берилади. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш харажатлари, оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга болани тарбиялагани (парваришлагани) учун ажратиладиган маблағлар тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлашга қадар тақдим этилади.

Оилавий болалар уйини ташкил этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шўбаларига ариза билан мурожаат қилинади. Уларнинг ҳулоаси асосида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори қабул қилинади.

ЭЛДОР ШОМУРОДОВ “Рома” сафида гол уриб, жамоасининг Европа лигаси плей-офф босқичига чиқишини таъминлади.



ДЗЮДО БЎЙИЧА Парижда ўтказиладиган “Катта дубулға” турнирида Баҳром Ботиров, Шаҳрам Аҳадов ва Ўткирбек Тўрабоев ғолиблик учун кураш олиб боради.

ЛАЗИЗБЕК МУЛЛАЖОНОВ Тошкентда ташкил этилган профессионал бокс оқшомида ғалабага эришди.



8

№8 | 2025 йил 1 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ТАВСИЯ

ҚОН БОСИМИ МЕЪЁРИДА БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Шуни ёдда тутиш керак:

- статик жисмоний фаолият (оғирлик кўтариш ва уни ушлаб туриш, узок вақт тик оёқда туриш ёки ўтириш) қон босимини ошириши мумкин. Шу боис улардан қочиш;
- бош ва танани ён томонларга буришда эҳтиёт бўлиш;
- тананинг ҳаддан зиёд қизиқ кетмаслиги учун жисмоний машғулотларни эрта тонгда бажариш лозим. Машғулот бажариш тартиби ҳафтада 4-5 марта 20-30 дақиқа ёки ҳафтада 2-3 марта 40-60 дақиқани ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Жисмоний фаолиятга қарши кўрсатмалар:

- қон босими кескин ошганда ва ундан кейинги эрта давр;
- саломатлиқнинг ёмонлашуви билан қон босимининг сезиларли даражада пасайиши;
- юқори қон босимининг 3-даражаси;
- юрак ритмининг бузилиши каби жиддий асоратлар.

Жисмоний машғулотлар вақтида нафас қисиши, кўкрак қафаси ва юрак соҳасида оғриқлар, юрак фаолиятида бузилишлар пайдо бўлганда машқларни дарҳол тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

Доимий жисмоний фаолият юқори қон босими хасталигига чалинган беморлар учун фойдали машғулот ҳисобланади. Чунки ўртача тезликдаги машқлар таъсири остида та-нада қон айланиши меъёрлашади.

Тавсия этилади: соғломлаштирувчи машқлар, пиёда юриш, сузиш, велосипед учиш. Улар организмнинг чидамлигини ошириб, қон томирлари қаршилигини камайтиради.

ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР

Сўнгги вақтларда ошқозон яраси хасталиги тез-тез учрамоқда. Хўш, бунинг сабаби нима? Ушбу касаллик асосан кимларда кузатиляпти?

ОШҚОЗОН ЯРАСИ ХУРУЖ ҚИЛГАНДА...

Феруза ҲАМРОБЕКОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ошқозон яраси кўпроқ 20-40 ёш атрофидаги инсонларда учрайди. Аммо кейинги пайтларда ушбу хасталикка мактаб ёшидаги ўғил-қизлар ҳам кўп чалинапти.

Касаллиқнинг келиб чиқишига, аввало, тартибсиз ва носоғлом овқатланиш сабаб бўлади. Яъни ўз вақтида таомланмаслик, шиллиқ қаватга салбий таъсир этувчи ҳамда ошқозон шираси ишлаб чиқарилишини кучайтирувчи аччиқ, дудланган, хамирли таомлар ейиш ушбу касалликни юзага келтиради.

Шу билан бирга, қуруқ, жуда иссиқ ёки ўта совуқ егуликларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш, бўёқли, газли ҳамда қаҳва каби ичимликларни меъридан ортиқ ичиш туфайли ҳам ошқозон яраси пайдо бўлади.

Қолаверса, ирсий мойиллик, “Helicobacter pylori” инфекцияси, таомларни яхши чайнаб емаслик, айрим дори воситаларини назоратсиз ва узок муддат қабул қилиш, асабийлашиш, тушқулик, чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва туғма нуқсонлар бунга сабаб бўлиши мумкин.

Ошқозон яраси бор беморлар, асосан, тўш ости соҳасида оғриқ сезади. Оғриқ овқат егандан кейин ярим ва бир соатлар ўтгач бошланади. Ун икки бармоқли ичак ярасида эса оғриқ асосан наҳорда бўлиб, озгина таом егандан кейин ўтиб кетади.

Касаллик ўз вақтида даволанмаса, сурункали тусга ўтиб, баҳор ва куз ойларида янада зўрайди. Бу даврда беморнинг иш қобилияти сусайиб, иштаҳаси пасаяди, ҳолсизланади. Агар даво чоралари кўрилмаса, касаллик оғирлашади ва хавфли асоратлар (яра тешилиши ва қонаши) рўй беради.

Хасталик хуружининг олдини олиш учун ошқозон шиллиқ пардасига салбий таъсир этувчи аччиқ, шўр ва ёғли таомларни чеклаш лозим. Шунингдек, таркибида эфир мойи бўлган турп, редиска, пиёзни истеъмол қилиш мумкин эмас. Нордон ме-валар – олхўри, яшил олма, узумни камроқ еган маъқул. Тез ҳазм бўладиган (буғда пиширилган, қайнатилган, кучли қовурилган) енгил таомларни оз-оздан, кунига 4-5 маҳал тановул қилиш тавсия этилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуриддин АБДУКАРИМОВ, Тошкент вилояти:

— Уйда боқилаётган хайвонни қурбонлик қилиш учун ният қилинган бўлса, кейинчалик бирор эҳтиёж чиқиб қолса, уни сўйса ёки сотса бўладими?

ҚУРБОНЛИККА АТАЛГАН ҚЎЙНИ СЎЙИШ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Киши уйда боқаётган хайвонни қурбонликка ният қилгандан кейин сўйиб ейиши ёки сотиб юборишига шаръан ҳеч қандай монелик йўқ. Чунки қурбонлик қилишни дилга тугиш билан зиммасига шу хайвонни сўйиш лозим бўлиб қолмайди.

Худди шундай, хайвонни боқиб ёки сотиб қаби қурбонликдан бошқа мақсадларда сотиб олса, кейин қурбонлик қилишни ният қилса, бу билан зиммага (айнан) шу хайвонни қурбонлик қилиш вожиб бўлиб қолмайди (“Бадоиъус-саноиъ” китоби).

Ҳаво ҳароратининг пасайиши тана ҳароратига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Бундай шароитда каларияга бой, фойдали маҳсулотлар истеъмолига эътибор бериш зарур.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

СОВУҚ КУНДА ҚАНДАЙ ТАОМ ТАНОВВУЛ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ?

Низом ЭРМАТОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Совуқда қон томирлари-мизда кескин торайиш кузатилади. Иссиқ хонага кирганда эса улар кенгаяди. Бу инсонларда қон босими ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Картошка таркибидаги калий қон томир деворларини эластик қилади, қон айланишини яхши-лаб, босимни барқарорлашти-ради.

Илдизмевали сабзавотлар ва ёғли гўшт солинган қайнатилган шўрва қишда, айниқса, фойдали. Бундай сабзавотларда углевод-лар кўп бўлиб, кишининг совуқ кунларида бошқа сабзавотларга қараганда организмга кўпроқ энергия беради.

Сабзавотлардан пиёз антиок-сидант сифатида муҳим аҳами-ятга эга.

Лавлаги ва унинг шарбати фойдали витаминлар ва мине-ралларга бой бўлган маҳсулот ҳисобланади.

Нонда жуда кўп В витамини мавжуд, яъни улар асаб тизими-нинг яхши ишлаши ва соғлом уйку учун жавобгардир. С витамини танада оксил-лар ва серотонин моддасини ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга. Цитрус мевалар ва уларнинг шарбатлари салқин маҳсулот бўлса-да, улардан тайёрланган мураббо, қиём ва мармеладлар С витаминига бой иссиқ маҳсу-лот ҳисобланади.

Лимоннинг меъёрдаги истеъ-моли шамоллашни даволашда муҳим ўрин тутади.

Ёғ кислоталари юрак-қон томир ва асаб тизимини мус-таҳкамлайди ва кайфиятга таъсир қилади. Ушбу моддалар ёнғоқ, зиғир ва бир қатор дук-какли экинларда кўп миқдорда мавжуд.